*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 49 (20. 916) 1991 йил 12 март, сешанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

## ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

# МУСТАҚИЛЛИК ҲАРАКАТИ МУҚАРРАР

## Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВнинг «Ди Цайт» немис ҳафтономаси саволларига жавоблари

**— Бундан бир неча ҳафта илгари СССР халқ депутатларининг тўртинчи Съездида Фуқаролар уруши ва «қаттиққўллик» хавфи борлигини айтиб, огоҳлантирган эдингиз. Сизнинг бу огоҳлантиришингиз тўғри бўлиб чиқди. Бугун юзага келган аҳволни қандай баҳолайсиз?**

— Ҳа, мен ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз хавф-хатар остонасида турганини, унинг ортида эса бошбошдоқлик, инқироз, миллатлараро тўқнашувлар, Фуқаролар уруши белгилари яққол кўринаётганини ва мамлакатимизга «қаттиққўллик» эмас, балки мустаҳкам давлат тузилмалари, қатъий мавқе, сабот ва матонат ҳамда ўйланган ишларни бажаришда изчиллик кераклигини айтгандим. Бугунги кунда шу қадар мураккаб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий аҳвол юзага келдики, бу хусусда ҳеч кимда мутлақо ҳеч қандай хом хаёл қолмади. Агар ҳамма нарса ҳозиргидек борадиган бўлса, биз, албатта, «қаттиққўллик» деб аталмиш йўлга ўтишимиз керак. Фуқаролар урушига келганда эса, у аслида, жумладан, Кавказда рўй бермоқда. Шу сабабли «муруватларни бураш» зарурдек туюлмоқда. Лекин бошқа, янада оқилона йўл бор: у раҳбариятимизнинг, биринчи навбатда М. С. Горбачевнинг узоқни кўра билишига ва донолигига боғлиқ. Марказ ниҳоят жумҳуриятларнинг вакиллари билан стол атрофига ўтириб, ҳеч қандай шартларсиз, чеклашларсиз ўзаро муносабатларимизни муҳокама қилишга жазм этиши зарур. Биз ўзаро мақбул қарорга кела олишимизга аминман. Биз бугунги кунда жуда кўп тилга олаётган мустақилликдан бошқа ҳеч қандай йўл йўқ, мустақиллик эндиликда муайян воқелик бўлиб қолди, аммо ҳозир марказда мустақиллик ҳақида эслашни хоҳламаётган, унинг бўйнини қайиришга уринаётган кучларнинг таъсири ҳали кучли. Дастлабки пайтларда бунга эришиш мумкиндир, лекин кейинчалик шундай кучли портлаш рўй берадики, бунинг оқибатини тасаввур этишнинг ўзи даҳшатли. Буни тушунмаслик — жиноят. Мустақилликка, жумҳуриятлар аллақачон ишлаб чиққан таклифларга асосланиб музокаралар бошлашимиз, мамлакатимиз амалда тенг ҳуқуқли мустақил давлатлар Иттифоқи бўлиши хусусида келишиб олишимиз керак.

**— Сиз Болтиқбўйи жумҳуриятлари раҳбариятининг сиёсатини қандай баҳолайсиз?**

— Мен барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг чинакам сиёсий ва иқтисодий-ҳуқуқий мустақилликка интилаётганини қўллаб-қувватлайман. Айни вақтда мустақиллик ҳуқуқи кимларнингдир манфаатларини камситмай, яъни демократик жараён, халқаро нормалар ва қоидалар, инсон ҳуқуқлари доирасида амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайман. Болтиқбўйи жумҳуриятлари раҳбариятининг ана шу нормалар ва қоидалардан чекиниши маълум даражада можароли вазиятни юзага келтирди. Биз одамлар қурбон бўлишига олиб келган фожиа рўй берганлигидан чуқур афсусланамиз. Назаримда, Болтиқбўйи жумҳуриятларида одамларнинг ҳуқуқларини назар-писанд қилмай, жуда жиддий хатога йўл қўйдилар. Бирор киши кимлигидан ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, агар шу ҳудудда яшаётган бўлса, минтақада унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак. Кейинги вақтдаги воқеалар Болтиқбўйи жумҳуриятларининг раҳбарлари олиб бораётган сиёсат янада аниқлик, аҳолининг турли ижтимоий ва миллий гуруҳ манфаатларини ҳисобга олувчи амалий шакл касб этаётганини кўрсатиб турибди. Фақат ана шундай демократик йўл мазкур регионда тинчлик ва тотувликка эришиш имкониятини беради, деб ўйлайман. Мен уларнинг интилишларини тушунаман, лекин ниятларга эришиш учун қўллаётган усуллари мутлақо тушунарли эмас. Улар ўз имкониятларига керагидан ортиқ баҳо беришмоқда, мамлакатимизда, жумладан, дунёда юзага келган вазиятни етарли баҳолай олмаяптилар.

**— Сиз Армия ва ОМОН отрядларидан (алоҳида вазифаларни бажарувчи милиция отрядлари) фойдаланиш тўғрисида нималар дея оласиз? Миллий нажот комитетлари пайдо бўлганлиги муносабати билан нима дейиш мумкин?**

— Вазият қандай бўлмасин, куч ишлатиш билан миллатлараро муносабатларга, жумҳуриятлар мустақиллигига дахлдор масалаларни ҳал этишда бирорта яхшиликка эришиш мумкин эмаслигига ишончим комил. Боз устига агар Армия бошқарув органларига бўйсунмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Мустақиллик самарасини ҳис этган, мустақилликка эришиш хоҳишини кўнглига жо қилган кишиларни ҳеч қандай куч, ҳатто ҳарбий куч билан тўхтатиб қолиш мумкин эмас. Мен шахсан, у хоҳ ОМОН тоифасида, хоҳ махсус вазифани бажарадиган ёки Армия бўлинмаси шаклида бўлсин, ҳарбий куч ишлатилишини қабул қила олмайман. Ўтган йилнинг январида Литвада бўлган эдим. Мен ўшанда мустақилликка, озодликка интилиш нақадар кучли эканлигини ўз кўзим билан кўрдим, имоним комилки, бу одамларни тўхтатиб бўлмайди.

Кейинги йиллардаги воқеаларнинг ривожи фақат сиёсий усуллар билан, Болтиқбўйи аҳолиси хоҳишини ҳурмат қилиш йўли билангина бирон-бир оқилона тотувликка келиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Энди миллий нажот комитетлари тўғрисидаги фикримни айтай: нимаики Конституцияга зид бўлса, демократик нормаларга зид келса, уларнинг ҳаммасини инкор қиламан. Ана шу миллий нажот комитети кимларнинг номидан иш юритаётганини ҳали ҳеч ким тузукроқ билмайди-ку ахир.

Мен қонуний ҳокимиятни тан оламан. Лекин у фуқаролар тинчлигини, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни, қаттиқ тартиб ва интизомни таъминлаш, ҳар бир киши миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, ўзи учун, фарзандлари ва яқинлари учун хавотирланмай, хавфсиз яшаши ва меҳнат қилиши учун кафолат бериши керак. Қандайдир майда-чуйда ишларда адолатсизликка йўл қўйиш, қонунни андак бўлсада бузиш мумкинлиги хусусида фикрлаш бу — ҳамма соҳада тартиб ва интизомни бузиш мумкин деган фикрга йўл қўйиш, демакдир. Бу эса жуда хавфлидир. Яқиндагина бўлган воқеани, 1917 йилни, инқилобни, «мақсад воситаларни оқлайди» деган сўзлар шиор бўлган вақтда бошқача ўйлайдиган ва фикрлайдиган, кишиларни шунчаки жисмоний қириб юбориш бошланган даврларни эслайлик. Агар шу нуқтаи назардан ёндашсак, Конституцияга қарши ҳар қандай комитетларни тузиш аслида тарихимизни қайтариш бўлур эди. Хатоларимиздан, айниқса, сиёсий хатоларимиздан хулоса чиқаришни ўрганадиган вақт келди.

**— Айрим жумҳуриятларда Президент бошқарувини жорий этиш танг вазиятдан чиқиш йўлларининг қулай воситаси, деб ҳисоблайсизми?**

— Менинг назаримда, Президент бошқарувининг жорий этилиши барибир диктатура деган гап. Чунки қонуний йўл билан сайланган ҳукуматлар, демократия муассасалари йўқотилади, бошқача айтганда, халқнинг хоҳиш-иродаси бутунлай инкор қилинади. Шу сабабли президентлик бошқарувидан олдин обдон ўйлаб кўриш керак. Мен яқинда — 1983 йилда бўлган воқеаларни — «Пахта иши» деб аталмиш ишлар бошланган даврни, Ўзбекистонга юзлаб терговчилар, «қонун хизматкорлари» ва

(Давоми иккинчи бетда).



Бир соатлик дарс ҳаяжон билан ёзилган асардир. Тошкентлик моҳир мураббий, 22-ўрта мактаб директори Ҳокимжон ака Ҳошимов ҳақида ўйлаганда ҳамиша ана шу ибора кўз олдимизга келади.

Нега? У ўзининг 56 йиллик муаллимлик фаолиятида юзлаб, минглаб ёшларни фидойи ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялади, ташкилотчилик, жонкуярлик сирларидан сабоқ берди. Ҳокимжон ака қўлида таҳсил кўрган ёшлар бугунги кунда академик, муҳандис, ёзувчи, эл эътиборига сазовор бўлган кишилардир.

Биз Ҳокимжон акани мактабда, ота-оналар, оила даврасида, тўй ҳашамларда ва маъракаларда кўп учратганмиз. У қаерда бўлмасин ўнлаб шогирдлари қўллари кўксида қарши олишади.

Эҳтиромимиз сизга, устоз!

Шу биргина сўз моҳир мураббийни янгидан-янги парвоз сари етаклайди. Шу биргина сўз ўқувчилар давраси сари чорлайди.

Яқиндагина Ҳокимжон ака Ҳошимовнинг хонадони ва у меҳнат қилаётган мактаб ўқувчилар, шогирдлари билан яна гавжум бўлди. Моҳир ўқитувчи Ҳ. Ҳошимов «СССР Халқ ўқитувчиси» юксак унвони билан тақдирланди. Яна шогирдларининг қўли кўксида.

Эҳтиромимиз сизга, устоз!

**Суратда: 22-мактаб жамоаси ўз мураббийлари Ҳокимжон ака Ҳошимовни юксак унвон билан табриклаётган лаҳза акс этган.**

**Суратни Р. АЛЬБЕКОВ олган.**

• ЛОЙИҲА

# СУВЕРЕН РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

Шартномада қатнашувчи суверен давлатлар, ўз халқларининг Иттифоқни янгилашга бўлган хоҳиш-иродасини ифодалаб;

миллатлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олиб;

республикаларнинг давлат суверенитети тўғрисида эълон қилган декларацияларига амал қилиб;

тарихий тақдирларнинг яқинлигини эътиборга олиб, тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаш орқали дўстлик ва иноқликда яшаш муддаоси билан;

ҳар бир шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамда унинг ҳуқуқлари ва эркинликларига пишиқ-пухта кафолатлар берилишини таъминлаб;

халқларнинг моддий фаровонлиги ва маънавий камолоти, миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитиши, ялпи хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб;

ўтмишдан сабоқлар чиқариб олиб ҳамда мамлакат турмушидаги ва бутун дунёдаги ўзгаришларни инобатга олиб;

ССР Иттифоқидаги ўз муносабатларини янги негизларда қуришга қарор қилдилар.

## I.

## АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

**Биринчи.** Шартномада қатнашувчи ҳар бир республика суверен давлатдир.

ССР Иттифоқи — тенг ҳуқуқли республикаларнинг ихтиёрий бирлашиши натижасида ташкил топган ва давлат ҳокимиятини Шартнома қатнашчилари унга берган ваколатлар доирасида амалга оширадиган суверен федератив демократик давлатдир.

**Иккинчи.** Иттифоқни ташкил этувчи республикалар ўз тараққиётининг барча масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар, ўз ҳудудида яшовчи барча халқларнинг сиёсий ҳуқуқларига ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш имкониятларига кафолат берадилар. Республикалар ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қарши чиқадилар. Шартнома қатнашчилари умумбашарий ва миллий қадриятларни бирга қўшишга асосланиб иш тутадилар.

**Учинчи.** Республикалар халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган меъёрларига биноан инсон ҳуқуқларининг устунлигини энг муҳим қоида деб тан оладилар. Барча фуқароларнинг она тилини ўрганиши ва ундан фойдаланиши имкониятига, ахборотдан бемалол фойдаланишига, дин эркинлигига, бошқа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат берилади.

**Тўртинчи.** Республикалар фуқаролар жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришни эркинлик ва фаровонликнинг энг муҳим шарти, деб биладилар. Улар мулкчилик шаклларини ва хўжалик юритиш усулларини эркин танлаш, ижтимоий адолат ва ҳимояланиш қоидаларини рўёбга чиқариш асосида одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга интиладилар.

**Бешинчи.** Иттифоқни ташкил этувчи республикалар давлат ҳокимиятига тўлатўкис эга бўладилар, ўзларининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тартиботини мустақил равишда белгилайдилар. Улар халқ вакиллигига ва халқларнинг ўз хоҳиш-иродасини бевосита ифодалашига асосланган демократияни таг-заминли умумий қоида деб тан оладилар, мустабидликка ва бедодликка қаратилган ҳар қандай тамойилларга қарши кафил бўлиб хизмат қила оладиган ҳуқуқий давлатни барпо этишга интиладилар.

**Олтинчи.** Республикалар миллий анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни, таълим, фан ва маданиятни давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайдилар. Улар мамлакат ва бутун дунё халқларининг инсонпарварлик, маънавий қадриятларини жадал айирбошлашга ва ўзаро бойитишга кўмаклашадилар.

**Еттинчи.** Шартнома қатнашчилари мустаҳкам тинчлик, ядро қуролини ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тугатиш, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда, давлатларнинг ҳамкорлиги ва халқларнинг бирдамлиги халқаро майдонда Иттифоқнинг бош мақсадлари эканини билдирадилар.

Республикалар халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоларидир. Улар ушбу шартнома қатнашчиларининг манфаатларига ва уларнинг муштарак манфаатларига зиён етказмай, ССР Иттифоқининг халқаро мажбуриятларини бузмай, чет давлатлар билан бевосита дипломатия, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатишга, улар билан ўзаро мухтор ваколатхоналар алмашишга, халқаро шартномалар тузишга ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятида бевосита қатнашишга ҳақлидирлар.

## II.

## ИТТИФОҚНИНГ ТУЗИЛИШИ

1-модда. **ССР Итифоқига аъзолик**

Республикаларнинг ССР Иттифоқига аъзолиги ихтиёрийдир. Шартномада қатнашувчи республикалар тенг ҳуқуқларга эгадирлар ва зиммаларига тенг мажбуриятлар оладилар.

Шартномада қатнашувчи республикалар Иттифоққа бевосита ёки бошқа республикалар таркибида кирадилар. Бу уларнинг ҳуқуқларига зиён етказмайди ва шартнома юзасидан олган мажбуриятлардан халос этмайди.

Бири иккинчисининг таркибига кирадиган республикалар ўртасидаги муносабатлар улар ўртасидаги шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади.

ССР Иттифоқи шартномани тан олувчи бошқа суверен давлатларнинг кириши учун очиқдир. Иттифоққа янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги қарор шартнома барча қатнашчиларининг розилиги билан қабул этилади.

Шартномада қатнашувчи республикалар шартнома қатнашчилари белгилаган тартибда Иттифоқдан эркин чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

2-модда. **Фуқаролик**

ССР Иттифоқига кирувчи республиканинг фуқароси айни вақтда ССР Иттифоқининг фуқароси ҳисобланади.

ССР Иттифоқи фуқаролари ССР Иттифоқи Конституциясида, қонунлари ва халқаро шартномаларида мустаҳкамлаб берилган тенг ҳуқуқларга, эркинликларга ва мажбуриятларга эгадирлар.

3-модда. **Ҳудуд**

ССР Иттифоқининг ҳудуди шартномада қатнашувчи барча республикаларнинг ҳудудларидан иборат.

Иттифоққа кирувчи республикалар шартнома имзоланган пайтда улар ўртасида мавжуд бўлган чегараларни тан оладилар.

Республикалар ўртасидаги чегаралар улар ўртасидаги битимга мувофиққина ўзгартирилиши мумкин.

4-модда. **Республикалар ўртасидаги муносабатлар**

Республикалар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартнома билан ҳамда унга зид бўлмаган бошқа шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади.

Шартномада қатнашувчи республикалар ўзларининг Иттифоқ таркибидаги ўзаро муносабатларини тенглик, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, баҳсларни тинч воситалар билан ҳал этиш, ҳамкорлик,

(Давоми учинчи бетда).

• *17 март—СССР референдуми куни*

# ИТТИФОҚ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Ҳозирги пайтда жаҳон матбуотини кўздан кечирсангиз «Америка миллати», «Америка халқи» каби ибораларни кўп учратасиз. Американиклар бу билан ғоят фахрланадилар. Ҳолбуки, дунёда ҳеч қачон америка миллати бўлмаган. Аксинча, янги очилган қитъага бориб қолган миллион-миллион турли миллат кишилари бир ёқадан бош чиқариб ҳозирги гуллаб-яшнаётган, улкан мамлакатни барпо этганлар. Биз эса негадир кейинги йилларда совет халқи атамасини деярли ишлатмай қўйдик. Нега? Ахир бизнинг келажагимиз ҳам, тараққиётимиз ҳам бирлигимизда эмасмиди? Халқларимиз дўстлиги, бирдамлиги, ягона Иттифоққа уюшиб яшаши ҳаётий зарурат эканлигини тушуниш учун донишманд бўлиш шарт эмас.

Мен Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида ўнлаб миллат вакиллари билан елкама-елка жанг қилганман. Ўша метин бирлигимиз туфайли ҳам биз ғолиб чиққандик. Энди эса мамлакатни ҳам, армияни ҳам бўлиб ташлаш ниятидаги кимсалар пайдо бўлибди. Жумҳуриятларни бир-бирига улаган дўстлик риштлари эса нозиклашиб боряпти. Уларни бутунлай қирқиб ташлаш хаёлида бўлганлар ўз ниятларига етишмайди. 17 март куни бўладиган референдумда улуғ Иттифоқимизнинг сақланиб қолиши учун овоз берадиганлар кўпчиликни ташкил этишига ишонаман. Зеро, Иттифоқимиз метиндек мустаҳкамланиб, дунёдаги энг тараққийпарвар, мустақил, озод жумҳуриятларнинг қудратли давлати бўлиб қолиши учун, дўстлик ва бирдамлик зарур. Совет халқи деган тушунча ҳеч қачон йўқолиб кетмайди. Референдумда мен ана шу совет халқи бирлиги учун овоз бераман!

**В. МУЗАФФАРОВ,**
**Фарғона шаҳри.**

# МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА

Мамлакатимиз тақдири тўғрисида СССР референдумини ўтказиш — кейинги вақтдаги энг муҳим сиёсий воқеадир. 17 март куни Ўзбекистон халқлари ўз хоҳиш-иродаларини билдирадилар, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ республика жамоатчилигининг деярли бари якдиллик билан «Янгиланган Иттифоқ бўлади!» дейишига ишониш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида референдумга тайёргарликка бағишлаб ўтказилган кенгашда шу тўғрида гапирилди. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов ахборот берди.

**(ЎзТАГ).**

## ХУШХАБАРЛАР

### ХАЛҚАРО БОЗОРГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

**Хивадаги бадиий кулолчилик буюмлари заводининг меҳнаткашлари қадимий ганчкорлик ҳунарини тикламоқдалар. Бу ерга бутун Хоразм воҳасидан ганчкор усталар таклиф қилинди. Улар замонавий техника, қадимий ганчкорларнинг иш услублари тасвирланган китоблар билан таъминландилар. Кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилган буюмлар сони 250 тага етди. Қумғон, лаган ва кўзалар шаҳарликларга ҳам, сайёҳларга ҳам ғоят манзур бўлмоқда.**

**Корхона маҳсулоти ички бозоргагина эмас, шу билан бирга чет элларга ҳам юборилмоқда. Завод йилига икки миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда.**

### ШАРТНОМА ТУЗДИ

**Бирлашган Араб амирликларининг Абу-даби шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ёйма бозорида иштирок этиш натижасида «Совпластитал» Совет-Италия қўшма корхонаси 100 минг доллардан кўпроқ шартнома тузди. Арабистон компанияларидан бири «Совпластитал»да ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларининг деярли барча турларини олиш тўғрисида шартнома тузиб, совет маҳсулотини ўзи синаб кўришга қарор қилди. Амалий фаолликнинг Шарққа кўчиши тошкентлик ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорни ўзлаштиришда кенг имкониятлар очиб бермоқда.**

**(ЎзТАГ мухбирлари).**

